

Туркистон

Элим деб, юртим деб



ёниб яшаш керак!

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМФАРМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 9 сентябрь, шанба. №71 (14353)

БМТНИНГ МИНГЙИЛЛИК АНЖУМАНИ

Ўзбекистон сессия раисининг муовини этиб сайланди

Маълумки, Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик саммити ўз иштини бошлади. Бундан икки йил муқаддам БМТнинг "Мингйиллик Ассамблеяси" томонидан Бош Ассамблеянинг эллик бешинчи сессиясини эълон қилиш бўйича қарор қабул қилинган эди.

Сийасатшунослар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари-нинг берган қўллаб-қўллаганига қўра, ушбу воқеа кириб келадиган XXI асрда мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожининг стратегиясини аниқлашга кўп хилдан имконият туғдирувчи анжуман сифатида тарихга кириши керак.

БМТ ташкил қилинганидан буён ўтган эллик беш йил мобайнида илк бор мазкур нуфузли халқаро ташкилотнинг Бош қароргоҳига 189 иштирокчи-мамлакатлардан деярли барча

давлат ва ҳукумат раҳбарлари йиғилди. Саммитда Ватикан, Швейцария ва Фаластин вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этмоқдалар.

Ривожланаётган глобализация жараёни мамлакатлар ва халқларнинг янада кўпроқ ҳамкорлик қилишлари заруратини талаб этади. Ана шундай шароитда давлат раҳбарлари Саммитда ҳарбий қарама-қаршиликлар, жиноятчилик, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, терроризм, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, эпидемия ва бошқа инсоният ҳаётини чигал-

лаштирувчи муаммоларни ҳал қила туриб, умумий фикрга келишлари даркор.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан шуни таъкидлайдики, "Янги мингйиллик ва Мингйиллик саммити жаҳон халқларига илк бор бир-бирлари билан жуда боғлиқ бўлган, айна пайтда умумий тақдирлари устида ўйлашлари учун ўзига хос имконият беради. Улар ўз раҳбарларининг истиқболдаги вазифаларини белгилаб олишлари ва тегишли чоралар қабул қилишлари ишонадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти агар унинг аъзолари биргаликда юқори даражадаги масъулият ҳиссига берилиб ишласалар, мазкур масалаларни ечишда уларга кўмаклаша олади".

Икки аср ўртасида бўлиб ўтаётган мазкур сессия иштирокчилари Ўзбекистон Республикасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик Ассамблеяси Раисининг муовини этиб сайлади. Бу эса бизнинг мамлакатимизга катта ишонч билдирилганининг белгисидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик саммити иши Саммит раисидан Швейцария Президентини Х.Халонен, Намибия Президентини С.Нуйома, шунингдек, БМТ Бош котиби К.Аннан чиқишлари билан очилди.

Б. МАМАЖОНОВ
"Жаҳон" АА
Нью Йорк

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НЬУ-ЙОРК САФАРИ

Нью-Йорк. 8 сентябр. (ЎЗА махсус муҳбири Анвар Бобоев хабар қилади). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг асримиздаги энг сўнгги, "мингйиллик саммити" деб ном олган сессиясида иштирок этиш учун Нью-Йоркка йўл олган Президент Ислам Каримов Амстердам шаҳрида тўхтаб ўтди. Шаҳар аэропортида давлатимиз раҳбарини Нидерландия қироллиги хонадони ҳамда ҳукумати вакиллари қарши олди. Бўлиб ўтган қисқача суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ривожини билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунни Нью-Йоркда Президент Ислам Каримов АҚШ Президенти Билл Клинтон томонидан "мингйиллик саммити" иштирокчилари шарафига уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди. Айна пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг жаҳоннинг бир юз элликдан ортиқ давлат ва ҳукумат раҳбари иштирок этаётган сессияси минбаридан нутқ сўзлаши кутилмоқда.

Ташриф давомида Президентимиз АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт ва Исроиел Бош вазири Эхуд Барак билан ҳам учрашади.

(ЎЗА)

"Камолот" худуди

ЁШЛАР ГИЁХВАНДЛИККА ҚАРШИ

Ёшларни гиёхвандлик ва ОИТС (СПИД) каби иллатлардан асраш учун нима қилиш керак?

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТнинг мамлакатимизда ОИТС ҳамда гиёхвандликнинг олдини олиш лойиҳаси доирасида "Камолот" республика ёшлар жамғармаси ва "Камолот-Қонун" ҳукукий маркази томонидан шу мавзуга бағишланган семинар ўтказилди. Семинар тингловчилари Тошкентдаги олий ўқув юрталари талабалари, Республика Қизил Ярим ой жамиятининг ёшлар маркази ва "Работ Малик" ҳукуматга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилоти фаолларидан иборат бўлди.

Семинарда кейинги йилларда гиёхвандлик ва ОИТС муаммоси бутун жаҳонда кескин тус олганлиги қайд этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 3,6 миллион киши, шу жумладан, 15 ёшгача бўлган 570 минг бола ушбу касаллик билан хасталанган. Мамлакатимизда бу борадаги аҳвол нисбатан яхши, чунки республика аҳолиси ўртасида орттирилган иммунитет тақлилиги синдроми тарқалишига қарши кураш давлат даражасида олиб борилмоқда. Бироқ ёшларимизни ушбу дахшатли хасталиқдан сақлаб қолиш учун жамоатчиликнинг кенг иштироки талаб этилади. Семинарда айтилганидек, наркотикларнинг инсон саломатлигига таъсири ва ОИТС юқтириш хавфи тўғрисидаги маълумотларни ёшларимиз асосан "кўчада" оладилар. Кўпгина ҳолларда беморлар инфекция тарқатувчи эканликларини билмаган ҳолда тартиб-

сиз турмуш кечиришда давом этишади.

Семинар иштирокчиларига бу соҳада аҳоли ўртасида ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижалари маълум қилинди. Чунки, наркотикларни мунтазам равишда истеъмол қилувчи 241 нафар кишининг 75 фоизи гиёхванд моддаларни турли давраларда, байрамларда биринчи марта татиб қўрган. Бунинг устига уларни бунга асосан дўстлари, қўшилар, маҳалладошлари ундаган.

Семинарда бу маълумотлар ҳеч қандай бифарқ қолдирмаслиги лозимлиги тўғрисида гапирилди. Маҳалла кўмиталари ва "Камолот" республика ёшлар жамғармаси фаоллари ёшлар ўртасида гиёхвандликнинг олдини олишга қаратилган чоратadbирлар мажмуини ишлаб чиқиши шарт. Гиёхвандлик турли жиддий касалликлар, жумладан, ОИТС билан хасталанишга сабаб бўлади.

Ёшлар оdatда, ўз тенгқурларидан эшитган маълумотларга кўпроқ ишонди. Шунинг учун семинарда унинг иштирокчиларини пойтахт маҳаллалари ва олий ўқув юрталарида ёшлар билан ишлаш кўнгилчилар гуруҳига айлантиришга қарор қилинди. Бу йигит-қизлар кейинчалик бутун республикада гиёхвандлик ва ундан келиб чиқувчи хасталикларга қарши кураш отрядларини ташкил этишди.

А. Иванова,
ЎЗА муҳбири

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН...

Оҳангарон шаҳридаги "Цементчи" уйингоҳида Тошкент вилоят маҳалла ёшлари ўртасида футбол бўйича ўтказилаётган "Камолот" кубоги турнирининг финал босқичи мусобақалари бўлиб ўтди.

"Соғлом авлод йили" да бундай тадбирларнинг ўтказилиши қувонарли. Зеро, соғлом авлод давлат таянчи.

Мусобақа сўнггида голиб жамоаларга "Камолот"нинг эсдалик совгалари топширилди.

Умид Раҳимов,
талаба



Эгали юртининг боболари, томолари, болалари бахтли бўлади

Хушxabар

Президентимиз номидаги турнир

Британия Кураш ассоциацияси 2000 йилнинг 1 октябрида барча ёшдаги эркеклар ва хотин-қизлар ўртасида кураш бўйича турнир ўтказадиган бўлди. Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилганига 2 йил тўлиши муносабати билан шундай қарорга келди.

Турнир Лондон яқинидаги Бедфорд шаҳрида Халқаро кураш ассоциациясининг фахрий президенти - Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шарафига ўтказилади ва унинг номи билан аталди.

МУҲАММАД ЮСУФ АВТОҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Шу йилнинг 30 август кунини ишдан сўнг шахсий "Тико"сида уйга кетаётган шоир Муҳаммад Юсуф автоҳалокатга йўлиқди. Бу нохуш ҳодиса пойтахтнинг Новомосковская кўчасида тахминан соат 19 да рўй берган.

Шоир воқеа жойидан касалхонага келтирилган. Жиддий жароҳлиқ операциялари ўтказилган. Дастлаб реанимацияда ётқизилган. Энг яқин кишиларига палатага қўйилган. Бир неча кун хушсиз ётган. Ҳеч нарса тановул қилмаган. Доридармонлар билан озиклантирилган.

Ҳозирда унинг аҳоли яхши. Реанимация бўлимидан оддий палатага олиб ўтилган. Хотираси, зеҳни аввалгидек. Ўзини ва бошқаларнинг шеърларини ёддан ўқийди. Газета, китобларни мутолаа қилмоқда. Биринчи кундан шоирнинг ёнида бўлган Дилмурод Қосимнинг айтишича, кўриш қобилияти бироз сусайгандек эмиш. Врачлар бундай ҳолат организм қувватга тўлиб, соғайиб бориши билан йўқолиб боради, дейишмоқда. Бир неча кун ўринда михланиб ётган шоирнинг туриб оз-оздан юришига рухсат берилган.

(Давоми 3-бетда)



ЯНА БИР ПОРТЛАШ ИЗИДАН

7 сентябр кунини Москва-нинг Сухаревская майдонида турган бир гуруҳ аёллар томонга граната улоқтириб қочган жиноятчилар билан боғлиқликда гумон қилинган беш киши ҳуқуқ-

тартибот идоралари томонидан қўлга олиниб, уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилган. Граната портлаши натижасида 15 аёл ва бир эркек жароҳатланган. Дастлабки текширув натижаларига қўра, портлаш қуввати 200 грамм тротил эквиваленти-

га тенг бўлган. Жиноятчининг ташқи қўринишида эса қавак халқига тегишли белгилар бўлган.

ХАГИСАКИ ЖОСУСЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Япония полицияси денгиз офицери, учинчи ранг қапи-



тани Сигехиро Хагисакини Россия хавфсизлик хизматида махфий ах-

боротларни сотганликда гумон қилинган. У Россия элчихона-

си вакили билан тушлик қилаётган пайти қўлга олиниб, полиция бўлини масига олиб борилган ва бир неча соатлик сўроқдан сўнг қамоққа олиш ҳақида расмий ордер эълон қилинган. Шундан сўнг айбланувчининг уйи, у Россия харбий-денгиз фло-

ти бўйича мутахассис бўлиб ишлайдиган Миллий мудофаа институтидаги кабинети тинтув қилинган. Полициянинг хабар беришича, Хагисаки ўзига қўйилган айбларнинг бир қисмини ҳозирнинг ўзида тан олмоқда.

Таълим ва ислохот

Музрободдаги Дўстқоил Қодиров, Нормурод Жумаев раҳбарлигидаги мактабларда болалар худди Англияда ёки Германияда юргандек бемаъл олганларнинг кўрганда кўнгил қувончидан ҳақриқиб кетади.

Ҳар қалай, илм масканида сабоқ олганларнинг 80-90 фоизи ҳеч қийналмай олий ўқув юртиларига кириб ўқишмоқда.

— Шу йилнинг ўзидagina Саросиё, Қизилқум, Қумқўрган, Денов туманларидаги коллежлар бинолари қайта реконструкция қилинди. Энди

КЕЧА ВА БУГУН ҲАЙРАТИ

Гапнинг очиги, авваллари Сурхондарё вилоятида иқтидорли болалар мактаблари деярли йўқ эди. Энди эса ҳар бир туманда биттадан шундай илм маскани ишлаб турибди.

лиқда ёшлар кенг ва ёруғ хоналарда таълим ола бошладилар. Айниқса, Абдумалик Абдуҷабборов, Абдуҷаҳид Тўраев, Рустам Мардонов ҳамда Нормурод Назаров етакчилигидаги билим масканларида бинолар қайта таъмирлаб чиқилди, дейди вилоят ўрта махсус ва касб-хунарт таълими бошқармаси бошлиғи Абдураҳмон Тошмуродов.

— Энди ёшлар бошқача бўлиб қолди, дейди шерободлик фермер Жўра Раҳматуллаев. —

Масалан, бундан ўн йил аввал: “Ўғлим, бориб дала ни бегона ўтдан тоза-лаб кел”, - десам ишга бўйни ёр бермас эди. Энди-чи? Улар тонг сарҳардан туришади. Қўлида ҳисоблагичи бор. Қайси далада қанча галла етиштирилган, неча центнердан ҳосил олиш мумкин, бу фермер ҳўжалигига неча миллион сўм бўлса-да, тогган мабла-

семиришига қанча озуқа бирлиги талаб қилинади — ҳамма-ҳаммасини бир зумда ҳисоблаб бера олади. Биласизми, қишлоқда яшаётганлар эндиликда меҳнат қилган одам хор бўлмастигини тушуниб етдилар.

Бандихонда Шерали Нормуродов деган фермерни кўпчилик билади. Ўзи меҳнатқаш одам бўлса-да, тогган мабла-

гина бола-чақасидан ортира олмас эди. Энди эса ўғлининг “Неқсия”си бор. Файрати жўшиб кетса, кичикроқ самолёт сотиб олиши ҳеч гап эмас. Бунга қандай эришиди? Аввало, ўғиллари ниҳоятда ишчан. Умрнинг ҳар бир лаҳзасини меҳнат билан ўтказган, қўй-эчкилар, сигирларни қандай семиртириш йўлларини

билади. Икки қаватли уй қуриб олган. Ўзингиз ўйлаб кўринг, аввал дехқон хорижнинг машинасини, қўш қаватли уйни орзу қила олармиди?

Тўқсонинчи йилларга-ча ҳатто ўн-ўн беш бош қорамол, йигирма-ўттиз бош совлиқ боққан киши ҳадиқсираб турар эди. Кечагина, баъзи туман раҳбарлари эскилик сарқити деб тўйларда курашни таъқиқлаб, гуруримизни поймол қилганди.

Энди у даврлар ўтиб кетди.

Жовли ХУШБОҚОВ

*Айтинг дўхтирларга,
Еришса ёрсин!
Жисм ўз улфати —
Жондан тонмоқда,
Бечора жон энди
Қаерга борсин,
Энди осмон йироқ,
Энди ер юмшоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Буни ҳаёт дерлар,
Унутма асло,
Бир кун очиласан,
Бир кун сўласан.
Қалбимда-ку фақат
Сен эдинг танҳо,
Қабрим устида ҳам
Ўзинг бўласан.
Сен бизнинг севгидан
Хотира — байроқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

“Қамолот” стипендиатлари

ҚАТЪИЯТЛИ ЙИГИТ

Анвар Мутаваллиев — 1978 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Бўлажак шифокор. Айни пайтда Тошкент Педиатрия институтини таълим олмоқда.



1999-2000 ўқув йилларининг “Қамолот” стипендияси совриндори.

— **Анвар, таътилигиз яхши ўтдими?**
— Жуда ҳам, бироқ институтдаги дўстларимни, устозларимни соғиндим.

— **Нима учун айнан тиббиёт соҳасини танлагансиз?**
— Аввало, болаликдаги қизиқишим мени шу соҳага етказди. Орзуим йўлида қилган ҳаракатларим зое кетмади. Тиббиёт институтининг талабаси бўлдим.

— **“Қамолот” стипендиати бўлман деб ўйлангандингиз?**

— Йўқ. Лекин орзу қилардим. Ҳаётда кимки ҳаракат қилса, кўзлаган мақсадига эришишига, бу йўлда учраган тўсиқларни енгиб ўтишига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

— **Жарроҳ бўлиш учун тил ўрганиш шартми?**
— Шарт деб ўйлайман. Чунки биз ҳозир XXI аср бўсағасида турибмиз. Дунё мамлакатлари ҳар соҳада ривож топмоқда. Биз ҳам тараққиётдан орқада қолмаслигимиз керак. Бунинг учун тил ўрганиш тақозо этилади. “Тил билган эл билади” деган мақол бизда беқорга айтилмаган.

— **Беш йиллик ўқиш давомида ёмон баҳо олгансизми?**

— Йўқ. Баҳоларимнинг ҳаммаси аъло.

— **Талаба сифатида бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?**

— Бўш вақт бўлди дегунча, спортнинг оғир атлетика тури билан шуғулланаман. Бундан ташқари тенниснинг ашаддий ишқибозиман.

— **Мустақиллигининг 9 йиллигини нишонладик. Бугун кўнглингиздан нималар кечапти?**

— Мустақиллик мен учун қадри. Бугун дунёда Ўзбекистон деган мамлакат борлигини бутун дунё давлатлари тан оляпти. Ёшлари биз тўғримизда суриштиряпти. Хорижда ўқиб қайтаётган тенгдошларим у эрда ҳам зуқолиги, билимга чанқоқлиги билан хорижликларни ҳайратга солмоқда.

Зиёда АШУРОВА
суҳбатлашди

Инсон ва табиат

ЎРТАМИЗГА АЙРО ТУШМАСИН...

Табиатнинг жонқуяр ошиғи, узоқ йиллар Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига раҳбарлик қилган Абдумутал Алибеков илоҳим табиат билан инсон ўртасига айро тушмасин, деб дуо қилгани ҳеч эсимдан чиқмайди.

Ушанда отахон кўзойнакли илонлар бугун бангаларга солиниб, бозорларда сотилаётгани, қорақурт, қалтакесак, чаён, ўрғимчакнинг ноёб турлари ўғирлаб кетилаётгани ҳақида афсус билан гапирганиди. Табиат учун ҳар бир паррандаю дарранданнинг ўрни борлиги, агар булардан бирортаси йўқоладиган бўлса, заنجир узулишини таъкидлаганди. Бунга эса инсон жавобгар экан, чунки уни табиат зукко ва мушоҳадали қилиб яратган.

Биз табиатни асраб-авайлашни, унинг бойликларини кўпайтиришни аждодларимиздан ўргансак яхши бўларди. Алишер Навоий бобомиз ҳатто оддий чумолига ҳам зарар етказмагани, адашиб қолган жониворни кийимига илашгани учун яна атайлаб уясига қўйиб келганини ўқиб ҳайратга тушганмиз. Табиатдан саховат куттишимиз учун энг аввало ўзимиз саховатли бўлишимиз керак. Яқинда Бахмал туманидаги Музбўлоқ қишлоғида бўлганимизда менга бир воқеани айтиб беришди. Ойқортоғдан тушиб, қишлоқда адашиб қолган айиқ боласига кишилар яна йўл топишга ёрдам беришди. Кучуқларга талатишмабди. Шу воқеа бўлиб ўтгандан сўнг қишлоққа айиқполвон келибди, қайтиб кетаётганида арча соясида дам олиб ўтирган учта ўсмирга индамабди. Бордию одамлар адашиб қолган айиқ боласига зиён етказганларида оқибат нима бўлишидан Худонинг ўзи сақласин... Яқинда Форш туманида бўлганимизда кекса ўрмончи Камол ака

Ибодов қизиқ воқеани гувоҳи бўлганларини айтиб бердилар. Урмонни текшириб юрган тоғбегининг оёғи остига беда-на тўп этиб тушибди. Шу пайт киргий ўқдай шўнғиб яна кўкка кўтарилибди. Камол аканинг ҳам раҳми келиб, қопқора кўзлари жовдираб турган беданани қўйиб юборибди. Бу воқеаларнинг барчаси ҳали мавжудот инсонни ўзига дўст санашини таъкидлаётгандай. Фақат инсон табиатга бўлган меҳрини йўқотмаса бўлгани. Кейинги йилларда ўлкамизга келиб, бола очиб учирма қилиб кетадиган қалдирғочларни одамлар уйига киритмаётгани ҳақида гап юриб қолди. Қалдирғочлар уйни ифлос қилармиш, унинг фойдаси-чи? Битта қалдирғоч ўз оғирлигича зарарли ҳашоратларни ейди, турнанинг елкасига ўтириб, унинг кўзига уриладиган ҳашоратларни хайдайди. Унинг жирилаб ўқиган дуоларичи? Уни уйга киргизиш савоб, чўчитмаслик эса бурчидир.

Биз уй ҳайвонларини асраб эканмиз, уларнинг соғлигини кузатишимиз керак. Яқинда бир танишим итининг касал бўлиб қолгани, жонивор зорланганидан кейин қўйиб юборгани, ит касалига даво бўладиган гиёҳни териб оғач, тузалиб кетгани ҳақида гапириб берди. Буларнинг бари ҳақиқат. Жониворларнинг забони бўлмаса ҳам эгасидан кўз қарашлари, ҳаракатлари билан марҳамат кутадилар. Уларнинг истакларини қондирилсак, табиатга қилган ҳамятимиз бўлади.

Табиатнинг инсон меҳ-



Кўзги одамлар

Абдумутал АЛИБЕКОВ олган сурат

рига зорлигини киш кунлариди, айниқса сезиш мумкин. Тоғларга қалин қор ёғиб, паррандаю ҳайвонларга ҳўрак туганида бир қоп дон-дун учун бутун жониворлар миннатдорчилик билдиришини сезганман. Тоғбеги белгиланган жойга ҳўракни тўққандан кейин зағизгонларнинг ўмбалоқ ошганини, чумчуқларнинг чирқиллаганини, қалқиларнинг сайраб юборганини кўрганмисиз? Жиззах вилояти ўрмон ҳўжалиги ходимларининг жониворларга беадад марҳамати туфайли ўрмонларда ноёб қушлар кўпайди, қушлар нағмаси қулоққа ёзин-кишин чалиниб туради.

Фақатгина қушлар ва ҳайвонлар эмас, балки ўсимликлар ҳам инсон меҳрига зор эканлигини ҳаётини, табиатни кузатган кишилар яхши сездилар. Теллида ҳўжалиқларида меҳнат қилаётган ёш-ёш қизлардан суранг, орасталарнинг ўсимликларга қандай таъсир кўрсатишини айтиб берадилар. Бадбўй хид тарқатадиган, тамаки, спиртли ичимликни бурқситиб юрадиганлар теллиқаларга, иссиқхоналарга қўйилмайдилар. Буни агараномлар билан суҳбатда кўп эшитганмиз. Ҳа, табиатга бўлган муносабатимизни яхшилласак, табиат ҳам ўз саховатини аямайди.

Пардабой ТОҶИБОВ

МУҲАММАД ЮСУФНИНГ ЭНГ ЯНГИ ШЕЪРИ

(Давоми, аввали 1-бетда)

Муҳаммад Юсуф бизни очик чехра билан қарши олди. Қайфияти яхши. Энг сўнги, энг янги қоралама — Шавкат Раҳмон хотирасига бағишланган “Лолақизғалдоқ” шеърини ўзигагина хос охангда ёддан ўқиб берди.



ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Шавкат Раҳмон хотирасига

*Мендан нима қолар,
Икки мисра шеър,
Икки сандиқ китоб,
Бир уюм тупроқ.
Одамлар ортимдан
Нима деса дер,
Мен сени ўйлайман
Ўзимдан кўпроқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Мен кетсам, ёмондан
Йироқ бўл, оху,
Чунки сен чиройли,
Кўркли бир ҳумой.
Ёмон кунлар бир кун
Яхши бўлар-у,
Ёмон одам яхши
Бўлмас ҳеч қачон.
Яша чегарада
Тургандек оғох,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Уйда ётибман-у,
Сезиб турибман,
Қўлда кетаётир
Қушлар қайтишиб,
Хайрлар ёғдириб
Қанотларидан,
Хаста шоирига
Видо айтишиб.
Бор, менинг учун ҳам
Уларга қўл қоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Уларни мен яна
Кўраманми-а,
Айвондан одамдек
Кузатолмадим.
Куз. Тўйлар бошланди.
Юрагим пора —
Битта қизимни ҳам
Узатолмадим.
Демак, тақдир экан
Тўй кўрмай ўлмоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Бирок, кўнглим севзар,
Мендан кейин ҳам,
Бир кун бу ҳовлига
Одам тўлади.
Ҳали тўйлар қилиб
Чарчайсан, эркем,
Менинг қизларим
Энг бахтли бўлади!
Келинлар кўйлаги
Рухимдай оппоқ —
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Ўғлим, яқинроқ кел,
Қара, не савдо,
Бу ажиб ишларни
Дил лавҳига ёз:
Кимга қаср етмас,
Кимга мол-дунё,
Менга эса ҳаво
Етмайди, холос.
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!
Кўксим қуйиб борар,
Кўкрак ёнмоқда,*

*Аёл қалбинг билан
Сув кеч, олов кеч,
Ғам келса бошингдан
Ҳушинг учмасин.
Худодан сўрадим:
Мендан кейин ҳеч,
Номард кимсаларга
Ишинг тушмасин.
Уларнинг қўлида
Ҳамиша тузоқ,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Ишинг тушса, иним
Маҳаммадга бор,
Шоирлар ичиди
Ишонганим шу.
Бироз ичишини
Айтмаса агар,
Кўксин тиниқ бола,
Ҳалол бола, у,
Фақат сал соддароқ,
Фақат сал ёшроқ.
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

*Жон сўнги бошлана
Топаркан онгда,
У юрак остиди
Дердим мен бўлсам.
Ажабланма агар
Эртага тонгда
Сени ўлиб, ўшни
Кучоқлаб ўлсам!
Ўтинчим — теламда
Йиғлама узок,
Лола, лолажоним,
Лолақизғалдоқ!*

Муҳаммад ЮСУФ

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 29 сентября, 13 октября 2000 года в 10 часов аукционные торги.

На торги выставляются:
Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно-наследственное владение граждан, площадью 400 кв.м., расположенные на массиве “Строитель” Сергеевского района, стартовая цена одного земельного участка 256998 сум.; по ул. Зайкайнар Шайхантахурского района, стартовая цена одного земельного участка 673347 сум.; по ул. Устабаева М. Улугбекского района, стартовая цена одного земельного участка 611123 сум.; по ул. Хуршида Шайхантахурского района, стартовая цена одного земельного участка 553347 сум.; по ул. 1 пр. Аккурганский М. Улугбекского района, стартовая цена одного земельного участка 553347 сум.

Прием заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.

СПЕШИТЕ, ЭТО ВАШ ШАНС!

Наш адрес: г. Ташкент, ул. А.Кадыри, дом 13, ком 1
Телефон для справок: 144-43-77

ОМАД МИЛЛИАРДЕРГА БОҚДИ

Бош вазиралик учун бўлиб ўтган иккинчи тур сайловларидан сўнг Ливан ҳукумати раҳбари Салим Али Хосс ўз мағлубиятини тан олди. Энди ҳукуматни мултимилионер Харири бошқаради. Халқнинг катта умиди бўлиб турган ушбу бойвачча қурилиш бизнеси билан шуғулланиб келган ва ўз кучи-

ни ҳам фуқаролар уруши пайтида вайрон бўлган Байрутни қайта тиклаш жараёнида кўрсатиб улгурган эди. Аммо сайловлар жараёнида уни нафақат байрутликлар, балки Жанубий Ливан фуқаролари ҳам қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар. Чунки ҳукумат раҳбари Хоссининг мамлакатни инқироздан олиб чиқишига ишонч сўниб улгурган эди. Бунинг сабаби кейинги пайтда мамлакатда ижтимоий соҳа харажатлари

ошиб кетгани ва Ливаннинг ташқи қарзи кундан-кунга кўпайиб бораётганида, шунингдек, ваъда берилган хусусийлаштириш жараёни ташлаб қўйилганида, деб баҳолашмоқда сиёсатчилар. Шунинг учун ҳам халқ Ливанни бошқариш учун бошқа бир ҳаракатчанроқ раҳбар керак, деган ҳулосага келди, дей-

ди сиёсий шарҳловчи Пол Салем. А й н и пайтда янги бош вазиралик мамлакат иқтисодини кўтаришига қўллаб-қўллаб қўйилган ҳам ишонч билдирмоқдалар. Гарчи у ҳам ҳукумат харажатларини камайтиришни мақсад қилмаган бўлса-да, хусусий тармоққа эътибор қаратиш

ҳақидаги ваъдаларини амалга оширса, ростдан ҳам халқ иқтисодий жиҳатдан яхшигина ютуқларга эришиши мумкин, дейишмоқда улар.

ШОГИРД-ҚОТИЛ КИМ?
АҚШнинг Арканзас штати, тўғрироғи Фействилль шаҳрида жойлашган университетда номалум шахс инглиз тили профессорини отиб ўлдириб, сўнгра ўз

жонига қасд қилган. Шу куни инглиз тили, журналистика ва хорижий тиллар факультетлари жойлашган ушбу бинода янги ўқув семестрининг биринчи дарси бошланган эди.

Хозиргача жиноят тафсилотлари ҳақида деярли аниқлик киритилмаган бўлса-да, суриштирув ишлари давомида маълум бўлишича, жиноятчи шу университетнинг битирувчиси экан.



